

АМАЛИЙ ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ (НЕМИС ТИЛИ МИСОЛИДА)

Мамарасулов Д.Х.¹

Аннотация: Ушбу мақолада амалий лексикографиянинг замонавий долзарб муаммолари немис тилида луғатларни тузиш мисолида тавсифланган ва уларнинг ечимлари бўйича хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: лексикография, тилишунослик, немис тили, амалий лексикография, луғат, сўз бойлиги, таржима, электрон таржима.

Маълумки, лексикография фан сифатида шартли равишда назарий ва амалий лексикографияга бўлинади. Назарий лексикография луғатнинг макроструктураси (лексикани танлаш, сўзликнинг ҳажми ва хусусиятлари, материалнинг жойлашув тамойиллари) ва микроструктураси (луғат мақоласининг тузилиши, луғавий изоҳларнинг турлари, сўз ҳақидаги турли маълумотларнинг нисбати), луғатлар типологиясини шакллантириш, лексикография тарихи кабилар билан шуғулланса, амалий лексикография бевосита ижтимоий муҳим вазифаларни бажариб, тил ўрганишни таъминлаш, тил, тиллараро мулоқот, тилни илмий ўрганишни меъёрлаштириш ва тасвирлаш кабилар билан шуғулланади.

Мамлакатимизда лексикографиянинг долзарб масалалари сўнгги йилларда бир қатор олимлар, тадқиқотчилар томонидан фаол тадқиқ қилиниб, натижалари эълон қилиниши кўзга ташланмоқда.

Лексикография муаммолари илмий анжуманлар мавзуси даражасигача олиб чиқилиб, соҳа мутахассисларининг мавжуд долзарб муаммоларга биргаликда ечим топишга ҳаракат қилаётгани ҳам, лексикография фан сифатида мамлакатимизда ривожланиб бораётганлигининг исботидир [1].

Турли тадқиқот ихтисосликлари доирасида лексикография ва атамашунослик муаммоларининг диссертация тадқиқоти даражасида ечилиши устида изланишлар олиб борилаётгани ҳам илмий ечимини кутаётган масалалар кўлами кам эмаслигини кўрсатиб турибди. Хусусан, Р.М. Худжаева [2], Д.Х. Кадирбекова [3], С.М. Нормаматов [4], Н.Н. Ғаффоров [5], С.С. Шарипов [6], Б.А. Юнусова [7], Ф.А. Саидова [8] каби изланувчилар томонидан илмий даражалар учун олиб борилган тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Лексикографиянинг долзарб масалалари юзасидан тадқиқот натижалари олимлар ва изланувчиларнинг илмий журналлар ва тўпламлардаги мақола ҳамда тезисларида ҳам борган сари кўпроқ учраб бормоқда.

Мисол учун, С.С. Шарипов томонидан лексикографиянинг замонавий муаммоларига оид илмий мақола ва тезислар ўзбек ҳамда инглиз тилларида эълон қилинган бўлиб, муаллиф ўз тадқиқотлари доирасида масалага чуқур кириб борган, деб айтиш мумкин. Ўзбекистонда таржима лексикографиясининг тарихий хронологик ривожланиши ва келажаги [9], лексикография ва луғатчиликнинг янгиланиш тенденцияси [10], таржима лексикографияси ривожланишининг асосий жиҳатлари [11], замонавий ҳаётда луғатларнинг ўрни [12], терминологик ва лексикографик луғатларни шакллантириш муаммолари [13], таржимавий лексикографиянинг тарихий ва хронологик хусусиятлари [14] каби масалаларга бағишланган ишлари бунга мисол бўла олади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, PhD



Шунингдек, лексикографиянинг турли жихатлари Н. Абдурахмонова, Ғ. Абдувахобов [15], Ф. Саидова [16] каби муаллифларнинг ҳам илмий мақола ҳамда тезисларида ёритилган.

Лексикографиянинг замонавий муаммолари лексикографиянинг фан ва амалий фаолият сифатидаги ҳолатидан келиб чиқади. Масалага чуқурроқ ёндашиш учун, даставвал, тилшуносликнинг муҳим компоненти ҳисобланувчи лексикографиянинг, шунингдек унинг объекти ҳисобланган луғатларнинг асосий вазифаларига назар солиш лозим.

Одатда, мамлакатимизда яратилаётган китоб шаклидаги икки тилли луғатлар қуйидаги вазифаларга хизмат қилмоқда: дидактик вазифа (масалан, ўқув луғатлари), таржимага кўмаклашиш (масалан, соҳага оид луғатлар), умумий вазифалар (масалан, универсал луғатлар). Замонавий электрон луғатлар юқорида таъкидланган вазифаларнинг барчасини бажаришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда улар компьютер технологияларининг хотирасида сақланиб, сунъий онг, машинал, яъни электрон, онлайн таржимага ҳам хизмат қилмоқда. Шу боис, мамлакатимиз замон билан ҳамнафас бўлиши, илм-фан ва техника-технологияларда қолоқлик сари юз тутмаслиги учун бу соҳани ривожлантириш лозим.

Ҳозирги кундаги техник ва технологик ривожланиш натижасида манбаларнинг электрон манба сифатида йўқолиб кетмаслик имконияти ва эҳтимоли юқори бўлгани сабабли, луғавий бойлигимиз, унинг иштирокидаги икки ва кўп тилли луғатларни катта миқдорда яратиш, мавжудлари ва янги яратилаётганларини электрон маълумотлар базаси кўринишида интернет маконларига жойлаб бориш лозим.

Яқин истиқболда, ўрта истиқболда ёки узоқ истиқболда бўладими, сунъий онг такомиллаштиши юқори даражада илмий, бадий ёки оммабоп маълумотларни юқори савияда идрок қилиш ва бошқа тилларга ўгириш имкониятига эришганида, ушбу луғатлар халқимизга кенг имкониятлар яратади.

Электрон луғатларни шакллантириш лингвистика ва ахборот технологиялари (дастурлаш, электрон маълумотлар базаси билан ишлаш) каби соҳалари мутахассислари ўртасида ҳамкорликни талаб қилади. Ривожланган давлатларда айни пайтдаги ахборотлар бозоридаги эҳтиёж ва ресурсларнинг етарли даражаси кенг тарқалган тилларнинг электрон лексикографиясига табиий стимул бериб турибди.

Мамлакатимизда электрон лексикография маҳсулотларига ҳозирги кундаги эҳтиёж ва имкониятлар, ресурслар чекланганлиги боис, ўзбек тилидаги катта ҳажмдаги икки ва кўп тилли луғатлар ва уларнинг электрон вариантлари яратилиши бозор иқтисодиёти стимулига эга эмас. Бирок, ҳозирдан бундай база улкан кўламда яратилмаслиги яқин келажакда мамлакатимизнинг илм-фан ва технологияларда ортда қолиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан, реал ҳолат ва истиқболни тўғри баҳолаган ҳолда, мамлакатимизда бу борада изланишлар ва амалий ишлар жадаллаштиришида давлат бош ислохотчи ролини амалга ошириши зарур.

Тадқиқотлар ва амалиётдаги ҳолат таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, амалий лексикография билан шуғулланувчи германистлар, яъни немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча луғатларни шакллантириш билан шуғулланувчи мутахассислар олдида қуйидаги масалалар мавжуд:

- луғатларнинг тил ўрганувчилар аудиториясига мослаштирилиши;
- мавзуй ёки тил билими даражасидаги умумий шаклга эга бўлиши;
- грамматик (отларнинг роди, кўплик шакли, қаратқич келишигидаги шакли, феълларнинг қайси турга мансублиги, сифатларнинг даражалари каби) кўшимча маълумотларга эга бўлиш ёки эга бўлмаслиги;
- бош сўз иштирокидаги мисоллар келтирилиш эҳтиёжи бор ёки йўқлиги;
- сўзлар маънолари бўёқдорлигининг барча кўринишларини қамраб олиш зарурати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- сўзларнинг семантик қамровини қай даражада акс эттириш лозимлиги;
- сўзларнинг бадий бўёқдорлигини ифодалаш зарурати;
- сўз бирикмалари, фразеологизмлар ва мақолларга ўрин берилиш зарурати бор ёки йўқлиги;
- сўзларнинг бошдан охиригача алифбо тартибда берилиши ёки сўз туркумлари бўйича ёхуд мавзудан келиб чиқиб алоҳида тартибга солиш зарурати бор ёки йўқлиги;
- қисқартмаларни келтириш зарурати;



сўзлар қаторида келувчи ўзбек тилида эквиваленти бўлмаган грамматик бирликларга изоҳ бериш зарурати;

иллюстратив ахборотларни келтиришга эҳтиёж;

ўзлашган сўзларнинг қайси тилдан ўзлашганлигини ифодалаш ва ҳ.к.

Бу масалалар қай даражада ҳал этилиши дидактик вазифа нуқтаи назаридан луғатнинг сифати, унинг тил ўрганиш самарадорлигини қанчалик даражада оширишга хизмат қилишини белгилаб беради.

Материалларни бир тилдан бошқа тилга ўгиришдаги воситачилик вазифаси нуқтаи назаридан эса, материал таржима қилиниш сифатига тўғридан тўғри таъсир қилиши шубҳасиз. Шу жумладан, машинал (электрон, онлайн) таржималар учун ҳам.

Фикримизча, **немисча-ўзбекча ўқув луғатларини** шакллантиришда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш лозим:

ўқув луғатларининг тил компетенциялари даражалари бўйича стандартлар доирасида шакллантирилиши (масалан, CEFR стандарти бўйича А1 даража луғати, А2 даража, В1 даража луғати ва ҳ.к.);

ўқув луғатларида берилган бош сўз ва унинг асосий эквиваленти ва маънолари ушбу луғатнинг тил компетенциялари даражасидан четга чиқмаслиги (масалан, А1 даража луғатида кўп маъноли сўзнинг фақат шу даражага мос маъноларигина келтирилиши);

иллюстрациялар билан бойитилиши;

электрон ўқув луғатлари талабларига мослаштирилганлиги ва келгусида электрон ўқув луғати шаклида оммалаштирилиши;

ҳалқаро тил компетенциялари стандартларининг қуйи даражаларига мос ўқув луғатларининг тегишли даража доирасида мавзуларга бўлинганлиги ва ҳ.к.

Немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча универсал луғатларни шакллантиришда эса, қуйидаги жиҳатлар инобатга олиними лозим:

сўзлар миқдорининг имкон қадар кўпроқ бўлиши;

бош сўзнинг эквивалентига ёндош қўшимча маънолар имкон қадар кўпроқ бўлиши;

бош сўз эквиваленти ва бошқа маъноларига мисоллар аутентик материаллардан келтирилиши;

иллюстрациялар билан бойитилганлиги;

грамматик изоҳлар максимал миқдорда, шунингдек содда, тушунарли ва бехато бўлиши;

сўзларнинг мукамал талаффузда ифодаланган аудио вариантлари қўшимча қилиниши;

бош сўзнинг қайси сўз туркумига мансублигини билдирувчи белги қўйилиши;

от туркумидаги сўзларнинг роди, қаратқич келишигидаги хусусиятлари, кўплик шакли қисқартма шаклда келтирилиши;

сифатларнинг уч хил даражаси кўрсатилиши, даражаланмайдиган сифатларга белги қўйилиши;

ижобий ёки салбий бўёқдор сўзларнинг эквиваленти тўғри танланиши, лозим ҳолларда қўшимча изоҳлар берилиши;

бош сўз иштирокидаги сўз бирикмалари, турғун бирикмалар, фразеологизмлар ва мақоллар максимал даражада эквиваленти билан келтирилиши;

эскирган сўзлар, архаик сўзлар, ўзлашган сўзлар, касб-ҳунарга хос сўзлар ва атамалар, сленглар каби алоҳида тоифадаги сўзларга қайси гуруҳга мансублигига қараб қисқартма белги қўйилиши;

бош сўз ўзагининг ажратиб кўрсатилиши;

бош сўзларни танлашда адабий тил меъёрлари қатъий инобатга олиними;

аутентик материаллардан олинган аудиоформатдаги мисоллар қўшимча қилиниши;

онлайн луғатлар тузиш учун мувофиқ келувчи электрон маълумотлар базаси форматлари доирасида бўлиши (масалан, *.db, *.sdb, *.xlsx, *.lsd, *.lod, *.json каби кенгайтмаларда) ва ҳ.к.

Немисча-ўзбекча луғатлар, шунингдек, антонимлар луғати, синонимлар луғати, ўзлашган сўзлар луғати, мавзуй луғатлар, турли соҳаларга оид луғатлар каби кўринишларда яратилиши ҳозирги куннинг талабидир.

Қолаверса, ҳозирги кунда кўплаб мақсадларда фойдаланиш учун қулай бўлган онлайн луғатлар, жумладан “Google таржимон”нинг немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча сўз бойлиги сифатли



таржима учун ҳали анча камлиги, жумлалар, гаплар ва каттароқ матнларни таржима қилишда алгоритмлар учинчи тил воситасидан фойдаланиши сезилиб қолмоқда.

Китоб шаклидаги турли шакллардаги немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча луғатлар, жумладан универсал луғатлар миқдорининг ошиши бу каби онлайн таржимонлар имкониятини ҳам ошириши, немис тилидаги илмий, бадий, публицистик ва бошқа материалларнинг ўзбек тилига ўтирилиши орқали илм-фанимиз ривожига қанчадир миқдорда ҳисса бўлиб қўшилиши, қолаверса, ўзбек тилидаги илмий, бадий ва бошқа турдаги адабиётларни немис тилли инсонларга танитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: аънаналар ва ҳозирги замон илмий мактаблари // Республика илмий-амалий конференцияси илмий тўплами. – Тошкент, 2020.
2. Худжаева Р.М. Инглиз ва ўзбек тилларидаги генетик боғланмаган лексик омонимларнинг самарадорлиги ва уларнинг лексикографик талқини // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2017.
3. Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2017.
4. Нормаматов С.М. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни // Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент, 2019.
5. Гаффоров Н.Н. Спорт терминларининг лисоний тадқиқи: когнитив-прагматик ва лексикографик хусусиятлари // Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси. – Андижон, 2022.
6. Шарипов С.С. Замонавий икки тилли луғатларнинг ривожланиш ва тузилиш муаммолари (рус-ўзбек ва ўзбек-рус луғатлари материаллари мисолида) // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Бухоро, 2023.
7. Yunusova B.A. O'zbek tili tizimining kombinator xususiyatlari // Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. – Samarqand, 2023.
8. Саидова Ф.А. Луғатларда синоним лексемалар талқини // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Гулистон, 2023.
9. Sharipov S.S. The main aspects of the development and historical and chronological features of translated lexicography in Uzbekistan // Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti. – Buxoro, 2022. – № 1 (89). – В. 16-28.
10. Шарипов С.С. Лексикография ва луғатчиликнинг янгиланиш тенденцияси // Хорижий тилларни ўргатишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда долзарб усуллари // Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжуман материаллари – Бухоро, 2020. – Б. 68-74.
11. Шарипов С.С. Лексикография (таржима лексикографияси) ривожланишининг асосий жиҳатлари // Сўз санъати халқаро журнали – Тошкент, 2022. – № 3. – Б. 5-11.
12. Sharipov S.S., Nematova M.F. Dictionaries in modern life // International journal on Integrated Education –Volume 2, Issue VI, Dec 2019. – P.166-168.
13. Sharipov S.S., Ruzimurodova Z.G. Problems of compiling terminological and lexicographic dictionaries – Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси – Хива, 2021. – № 4. – Б. 255-258.
14. Шарипов С.С. Таржимавий лексикографиянинг тарихий ва хронологик хусусиятлари // Илм сарчашмалари – 2022. – № 4. – Б.69-72.
15. Abduraxmonova N., Abduvaxobov G'. O'quv lug'atini tuzishning nazariy metodologik asoslari // Сўз санъати халқаро журнали – Тошкент, 2021. – № 6. – Б. 103-108.
16. Saidova F. O'zbek tili leksik sinonimlarining leksikografik talqini // Сўз санъати халқаро журнали – Тошкент, 2021. – № 1. – Б. 77-82.

